

етиш, күчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мұлкка бўлган хақиқий эгалик хукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукуқбузарлик содир килиш учун таъмагирлик килиш, ундан, тазик ўтказиш ёки таҳдид килиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни хамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

4. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишида, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларниг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукуқшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошқа вакилларга) нисбатан қўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафниг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб килиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширгай хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равища ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги холатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга тазик ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга карши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу хавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан окилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиши натижалари хақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга хамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга хақли.

IV. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчининг хукуқлари:

а) Таъминотчидан, ушбу шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз равища ёки Истеъмолчи билан келишилган график асосида амалга оширилишини, ўз мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат (О‘zDSt 950:2011 давлат стандартига мувофиқ) ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) Таъминотчидан сувни ҳисобга олиш асбобларини ўрнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб қилиш;